

Н.Абдуллаев

Хорижий Ғарб санъати тарихи

ҚАДИМГИ ДУНЁ САНЪАТИ

(Антик дунё)

Маърузалар матни

Тошкент 2010

Қадимги дунё санъати

Кириш. Қадимги дунё санъати тарихи ер юзида кулдорлик давлатларининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва инқирозга юз тутиши давридаги санъатни ўрганади ва таҳлил қилади. Қадимги давлатлар дастлаб Ефрат, Тигр, Нил, Инд, Ганг, Хуанхэ, Янцзи, Қизил ирмоқ дарёлари ёқаларида, кейинроқ, Европанинг жанубий томонларида, Болқон ва Апеннин ярим оролларида пайдо бўлган. Бу даврга келиб ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралди. Дехқончилик, чорвачилик, савдо - сотик, хунармандчилик, санъат ривожланди. Бу эса, ўз навбатида, инсон маънавий дунёсининг ривожланишига, жумладан, санъатнинг равнақига катта туртки берди. Эндиликда санъат ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин эгаллай бошлади. Бу даврда кўмиш маросимлари билан боқлиқ бўлган урф одатлар муҳим тантаналарга айланди. Йирик мақбара, саройлар қуриш, уларни безашга катта аҳамият берилди. Деворий суратлар, монументал рельеф ва ҳайкалларда ҳукмдорлар, афсонавий қаҳрамонлар фаолияти улуғланди. Одамларнинг диний тушунчалари ҳам ўзгарди. Одамлар табиат кучларига сиқинишдан аста-секин илоҳий кучларга - худоларга сажда қила бошладилар. Бу худолар тимсолида ақлий баркамол, муътабар, ҳар нарсага қодир бўлган, ўз характери ва кўриниши жиҳатдан одамларга ўхшайдиган образларни тасаввур эта бошладилар. Уларга атаб ҳашаматли ибодатхоналар, монументал ҳайкаллар яратдилар, маҳобатли расмлар ишладилар. Шу билан бирга, инсон образи санъатнинг бош қаҳрамонига айлана бошлади. Унинг жасорати ва олижаноблиги, ирода ва ақл-заковатининг қудрати санъаткорлар томонидан қуйланди. Бу даврда келиб ер юзида катта-катта маданият марказлари вужудга келди. Уларнинг санъатлари бир-биридан кўриниши, характери, воқеликни образли ифода этиши билан ажралиб туради. Ана шундай давлатлар ичида Қадимги Миср, Юнонистон ва Рим алоҳида ўринни эгаллайди ва кейинги жаҳон санъати ривожининг асосини ташкил этади. Бу ерларда қурилган маҳобатли меъморий мажмуаларда биринчи бор инсон ақл заковати, бой тасаввури ўзини намоён қилди. Ҳайкалтарошлик асарларида инсоннинг жисмоний гўзаллиги, маънавий олами бадиий шаклларда ўз аксини топди. Амалий безак санъати инсон яшайдиган муҳитнинг ажралмас қисмига айланди.

Антик дунё санъати

Қадимги дунё санъатининг янги босқичи Қадимги Юнонистон ва Рим давлатлари билан боғлиқ. Милодан аввалги 3000 йиллардан то янги эранинг V асригача Европанинг жанубий шарқий томонларида, Ўрта Ер ҳавзаси ҳамда Қора денгиз соҳилларида вужудга келган кулдорлик давлатлари бўлган. Булар ичида айниқса Юнонистон ва Рим давлатлари тарихда бетакрор из қолдириб кейинги Европа ва жаҳон халқлари санъати ва маданиятига кучли таъсир этган. Шунинг учун ҳам биз қадимги Европа санъатини ўрганганда аввало ана шу халқлар санъати билан танишамиз. Бу **халқлар яратган санъатни одатда антик санъат деб номланади** ва асосан, қадимги Грек-Рим маданияти ва санъатини таърифлаш учун ишлатилади. Албатта, антик дунё маданияти ва санъатининг ижодкорлари Юнонистон ва унга яқин бўлган оролларда қачонлардир яшаган қадимий грекларнинг аجدодларидир. Греклар ўзларини эллинлар, ўз мамлакатларини эса Эллада деб атаганлар. Эллада санъати кейинчалик Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) босиб олган жуда катта империя санъатининг ривожланишига таъсир ўтқазиб эллинизм даври ва санъатини бошлаб берди. Римликлар грек санъатини эъзозладилар, ўргандилар ва уни янги поғанага олиб чиқдилар.

ЭГЕЙ ЁКИ КРИТ - МИКЕНА САНЪАТИ

Антик маданиятнинг пайдо бўлишида Балкан ярим оролининг жанубий шарқий томонлари, Пелопоннес яриморолли, Эгей денгизидаги оролларда, Кичик Осиёнинг ғарбий соҳилларида эраминдан аввалги III-II мингинчи йилларда яшаган қабилалар маданияти муҳим роль ўйнади. Бу маданият ёдгорликларини дастлабки Микена ва Критда



топилганлиги ва мўллиги туфайли бу маданият адабиётларда крит-микена маданияти деб ҳам юритилади. Эгей маданиятининг энг гуллаган даври эрамиздан аввалги 2000 йилларга тўғри келади. Бу даврда ҳашаматли меъморчилик мажмуалари барпо этилган. Подшо саройлари, тасвирий ва амалий-безак санъат асарлари яратилган. **Расм 10**

Расм 10. Кносс саройи реконструкцияси. 11. Сарой устунлари ва ички хона(интерьер) кўриниши Эр. ав. XVI аср. Шундай нодир ёдгорликлардан бири инглиз археологи **А. Эванс** томонидан Критдан топилган Кносс саройининг қолдиқларидир.




Кносс саройи реконструкцияси. Эр. ав. XVI аср.

Бу сарой унча баланд бўлмаган тепалик устига қурилган. Сарой табиат билан уйқунлашиб кетган. Бинолар лоиҳалаштириши эркин. Бинонинг Қарбий томонида хоналар бўлиб, у ерларда, подшо бойликлари, қуроллар, катта хумларда турли озиқ-овқатлар сақланган. Марказий томондаги хоналарда эса хунармандларнинг устахоналари жойлашган. Кносс саройининг марказий майдони атрофида юзлаб унча катта бўлмаган хоналар, меҳмонхона, ибодатхона, подшо хоналари, диний маросимлар ўтказиш учун мўлжалланган хоналар бўлган. Бу хоналар бир-бири билан зина ва нарвонлар орқали боқланган.



Кносс саройи устунлари ва ички хона (интерьер) кўриниши. Эр. ав. XVI аср.

Кносс саройида устунлардан кенг фойдаланилган. Тош тагкурсига ўрнатилган ёқочдан ишланган устунлар Кносс саройининг тепа томонини кўтариб туриш учун ишлатилган. Бу устунлар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар пастга томон торайиб борган. Сарой деворларига суратлар ишланган, поллари эса бежирим нақшлар билан безатилган. Деворий суратлар мавзуси критликларнинг ҳаёти, меҳнати, хордиқ чиқаришига бағишланган.



1-3. Кнос саройи деворий расмлари. Эр. ав. Эр. ав. XVI аср. 4.Кносс саройи деворий расмлари. Грифон. Эр. ав. XVI аср.

Турли қуш ва ҳайвонлар расми ҳам жонли чизилган. Саройдаги диний маросимларни ўтказиш учун мўлжалланган тахтли зал, айниқса, нафис ишланган. Девор қизил рангга бўялган ва шу ранг устидан оқ, тўлқинсимон чизиқлар билан папирус новдаси ва улар орасида афсонавий ҳайвонлар— бургут бошли шерлар(грифонлар) тасвирланган. Кносс саройида аёл тасвири яхши сақланган. Археологлар уни «парижлик аёл» деб номлаганлар. У шаффоф материалдан туқилган либос кийиб олган. Аёл боши ён томондан ишланган, кўзи эса олд томондан тасвирланган.



1.Парижлик аёл. Мил. ав. XVI аср. Кносс саройи деворий сурати парчаси. Афина. Миллий музей. 2. Илон ушлаган маъбуда. Мил. ав. XVI аср. Кносс саройидан топилган ҳайкалча. Афина. Миллий музей. 1. Эчки ўз болалари билан. Мил.ав. 1600 йил. Кносс саройи деворига ишланган бўртма тасвир. Гераклеён, музей. 2. Хўкиз боши шаклидаги ритон. Кносс кичик саройи. Мил.ав. XVI аср.

Монументал ҳайкалтарошлик бу ерда учрамайди. Лекин майда ҳайкалтарошлик(Илон ушлаган маъбуда. Мил. ав. XVI аср), амалий-декоратив санъат, тоштарошлик ва заргарлик санъати борасида критликлар нодир ёдгорликлар қолдирганлар.

Улар тоштарошликда жуда моҳир бўлиб, тошдан вазалар ишлаганлар, нафис бўртма тасвирлар яратганлар. Ҳайвонларини (Эчки ўз болалари билан. Мил.ав. 1600 йил.), айниқса, турли денгиз ҳайвонларининг бўртма тасвирларини зўр маҳорат билан ишлаганлар.Инкрустация ишлаш, турли ашёлардан бадиий асар яратишда ҳам моҳир бўлганлар(Хўкиз боши


шаклидаги ритон). Критликлар кулолчилик санъатида ҳам катта ютуқларга эришганлар. Кулолчилик буюмларини махсус бўёқлар билан сирлаб, юзасини турли нақш, денгиз ҳайвонлари ва ўсимликларнинг тасвири билан безаганлар. Камарес кўзаси, Медуза сурати туширилган хум шундай асарлардан .



1. Камарес кўзаси. 1800 йил. Гераклеён. Музей 2.Медуза сурати туширилган хум.

Эрамиздан аввалги XIV асрга келиб, Крит маданияти инқирозга юз тутди. Эндиликда Эгей маданиятининг маркази грек материгига— Пелопоннес яримороти ва ундаги Микена, Тиринф манзилларига кўчди. Болқон ярим оролининг жанубида, Эгей денгизи оролларида ва Кичик Осиёнинг Қарбий соҳилларида яшаган ахеяликлар бу янги маданият тараққиётини белгиладилар.


Эрамиздан аввалги XVII—XIV асрлардан бошлаб, ахеяликлар маданияти ва санъати ўз характери жиҳатидан Крит маданияти билан алоқда бўлган, лекин бу яқинлик ахеяликлар санъатининг ўзига хос оригинал томонлари ҳам мавжуд эканлигини инкор этмайди. Бу айниқса, монументал меъморлик санъатида яққол кўзга ташланади. Критдаги шаҳарлар қалин деворлар билан ўрашга муҳтож эмас эди. Чунки шаҳарни денгиз қуриқлар эди. Аксинча, ахеяликлар ўз турар жойи ва қўрқонларини баланд тепаликлар устига қуриб, унинг атрофини қалин деворлар билан ўраб чиққанлар. Кейинчалик греклар бундай манзилларни «**акрополь**»— «юқори шаҳар» деб номладилар. Бизгача Микена ва Тиринфдаги баланд тепаликлар устига қурилган қалъалар, қўрқонлар етиб келган. Улар эрамиздан аввалги XIV—XIII асрларда қурилган. Бу қўрқонларнинг деворлари оқирлиги 5—6 тонна келадиган тошлардан қурилган бўлиб, деворнинг қалинлиги 6—10 м, хатто ундан ҳам ортиқ бўлган. Масалан, Тиринф қўрқони деворининг қалинлиги 17,5 м бўлган. Девор ичи бўшлиқ бўлиб, у ерда хазина, озиқ-овқат, қурол-аслаҳа сақланган.



1.Тиринфдаги акрополь.2. Шерлар дарвозаси.

Тиринфдаги акрополь содда, атрофи қалин девор билан ўралиб, унинг уч дарвозаси бўлган. Микена меъморлигида дарвоза қурилишига катта эътибор берилган. Микена қўрқонининг марказий дарвозаси «шерлар дарвозаси» деб номланган.

Дарвоза атрофи яхлит катта тошлардан қурилган. Тепасига устунларни ушлаб турган икки шернинг бўртма тасвири ишланган. Бу устун Микена подшолари қудрати ва бирлигининг рамзи бўлган. Тиринф ва Микена саройларининг деворлари алебастр билан ишланиб, деворий суратлар билан безатилган. Микена рассомлари ов манзаралари(Чўчка ови), акробатлар ҳаётидан олинган воқеаларни(Акробатларнинг буқа устидан сакрашлари), айниқса, жанг манзараларини тасвирлашни севишган.



1.Акробатларнинг буқа устидан сакрашлари. 2.Чўчка ови. 3. Микена қўрғонидаги мақбаралар қолдиғи.

Тиринф-Микена деворий суратлари Крит санъаткорларининг асарларидан бадиий жиҳатдан бўшлиғи, фигураларнинг бирмунча статиклиғи, чизилган суратларнинг қуруқлиғи билан ажралиб туради. Ахеяликлар яратган кулолчилик буюмлари ўз шакли жиҳатидан Крит кулоллари яратган шакл ва услубини қайтаради, лекин ваза юзасига ишланган денгиз ҳайвонлари ва ўсимликлари тасвири бирмунча соддалаштирилган, кўп холларда нақш ритмига бўйсундирилган.

Микена-Тиринфдаги мақбараларда археологлар бадий хунармандчиликка оид қимматбаҳо буюм ва олтин ниқоблар топишган. Бу мақбаралар ичида машҳури Шох Атрей мақбараси ва у ердан топилган нодир санъат ёдгорликларидир.



1.Шох Атрей мақбараси ички кўриниши. 2.Олтин қадах.

Бу ерда олтин, тоқ хрусталидан ишланган идишлар, ўймакорлик билан безалган буюмлар топилган. Шер бошли олтин ваза, кабутарларнинг бўртма тасвири туширилган олтин қадах, инкрустация қилинган бронза ханжарлар ахейликларнинг моҳир санъаткор бўлганликларидан далолат беради. Ҳозирги Вафио (Пелопоннес)даги мақбарадан топилган икки олтин қадах ҳам ўзининг нафис ва бадий безатилганлиги билан ажралиб туради. Улар юзасига ишланган буқа ови бўртма тасвири жуда жонли чиққан.

Эрамиздан аввалги XII аср ўрталарида Болқон яриморолларининг шимолидан жанубга томон силжий бошлаган дорий қабилаларининг Эгей оролларидаги давлатларни босиб олиши Пелопоннесдаги Эгей маданиятининг тугашига сабаб бўлди. Лекин унинг бой маданиятининг кейинги эллин маданиятига таъсири кучли бўлди. Элладаликлар Эгей маданиятининг энг яхши ютуқларини ўзлаштирдилар. Улар Крит-Микен диний-мифологик тушунчаларини қабул қилдилар. Кулолчилик, майда пластика санъати анъаналари Эллада санъати тараққиётида давом эттирилди.

Қадимги Юнонистон(Греция) санъати

Одатда, Қадимги Юнонистон санъати тарихи Микенанинг қулаши ва дорийлар томонидан Пелопоннес, унинг жанубида жойлашган ороллар, Критнинг босиб олинishi билан бошланади ва эрамиздан аввалги XI асрдан то эрамиздан аввалги I асргача бўлган даврни ўз ичига олади. Дорийлар истилоси натижасида босиб олинган ерларда кичик-кичик кулдорлик давлатлари пайдо бўлган. Бу давлатчаларни греклар полислар, яъни шаҳар- давлатлар деб номлаганлар. Қадимги Юнонистон(Греция)нинг дастлабки ривожланиш босқичи милодан аввалги VII-VI асрларга тўғри келади ва бу даврни архаика даври деб юритилади. Айни шу даврда илмий фикрлар ривожланди, медицина, астрономия, тарих, география, математика тараққий қилди, шъерият, адабиёт, театр камол топди, грек ёзуви пайдо бўлди. Греклар ўзларидан аввалги халқлар, энг аввало, Шарқ мамлакатлари-

Бобил, Мисрнинг фан ва маданият борасидаги ютуқларини чуқур ўрганиб, ўзларининг қайтарилмас санъат ва маданиятларини яратишга муяссар бўлдилар. Аини шу даврда меъморлик ва тасвирий санъатининг кейинги тараққиётига пойдевор яратилди. **Билиб қўйган яхши. Эрадан аввалги VII-VI асрлардаги грек санъати ва маданияти тарихи архаик, яъни Қадимги (грекча «архейос»- қадимги) давр деб номланади. Чунки XIX асрда бошланган археологик кашфиётларга қадар Қадимги Греция тарихи эрадан аввалги VIII асрдан бошланар эди.**

Меъморлик. Эллада меъморлигининг ривожланиши шаҳарларнинг қурилиши билан боғлиқ. Бу даврда шаҳар, одатда, тепаликка қурилган акрополь атрофида жойлашиб, тепаликнинг энг юқори қисмида полиснинг халоскори бўлган маъбудага аталган ибодатхона, акрополь этаклари ва ён бағрларида эса турар жой кварталлари қурилган. Бу кварталлар лойиҳаси эркин, стихияли тарзда пайдо бўлган. Ҳар бир полис ибодатхона қурилишига алоҳида эътибор бериб, унинг бошқа полис ибодатхоналаридан ажралиб туриши, кўркам ва улуғвор бўлишига эътибор берган. Ибодатхона ўз характери жиҳатидан шаҳар марказини ташкил этиб, грек жамоаси, шаҳар-давлатнинг улуғворлиги ва бирлигини билдирган. Бу ерда давлат хазинаси ва бадий бойликлар сақланган. Ибодатхонанинг олдидаги майдонда эса йиғилишлар, байрам тантаналари ўтказилган.

Грек меъморлигида тўртбурчак шаклда атрофи устунлар билан ўраб чиқилган ибодатхона типини кенг ишлатилган. Бу бино типини периптер деб аталган. Милодан аввалги VII асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган шу типда Юнонистондаги дунёнинг деярли ҳамма ижтимоий бинолари қурилган. Юнон меъморлигининг қандай типларини биласиз? Меъморликнинг периптер типини қандай кўринишда бўлган?

Меъморлик ривожланиб борган сари, эллада усталари устун ва тўсинларга, улар орасидаги боғланиш, декоратив безакларнинг энг минимал томонини топиш, бадий ва функционал томонининг уйғун бўлишига ҳаракат қилдилар. Бу бутун бадий тизим ордер номини олди, (латинча «ордо» - тузилиш, тартиб маъносини билдиради). Ордер кейинчалик Греция меъморлигининг асосий хусусиятини белгиловчи муҳим томонга айланди. Эллада меъморлари амалиётда учта ордер типидан фойдаланганлар. (Расм 14.а,б,в Грек меъморлигининг асосий ордерлари).

Расм 14.а Грек меъморлигининг дорий ордерини). **Дорий ордерини устунлар тагликсиз (базасиз), тепага торайиб боровчи шаклда яратилган. Устун юзасига эса тарновчалар - каннелюралар ишланган. Ибодатхона юқорига кичрайиб боровчи учта сунча тарзидаги тош асос устига қурилган.**

Расм 14б. Грек меъморлигининг ион ордерини. **Ион ордерини устуни тагкурсига ўрнатилган, капители икки томонга буралаиб турган жингалак сочни эслатади.**

Расм 14в. Грек меъморлигининг коринф ордерини. **Коринф ордерини устуни тагкурсига ўрнатилган, капители жимжимадор ва кўркам, аканф дарахти барглари билан ташкил топган букетни эслатади.**

Грек меъморлигининг асосий ордерлари дорий ва ион ордерини ҳисобланади. Дорий ордерини, асосан, Пелопоннес ва Буюк Греция (Сицилия шундай деб аталган), ион ордерини Иония деб номланган Кичик Осиё соҳилларида кўпроқ ишлатилган.

Ибодатхона томи икки нишабли бўлиб, унинг олд ва орқа томонида ҳосил бўлган учбурчакли майдон фронтон деб аталган. Дорий типинидаги ибодатхоналарининг фризида тўртбурчак шаклида бўлинмалар бўлиб улар метоп дейилади. Метоп юзаларига турли мавзудаги бўртма тасвирлар ишланган

Расм 15. Фронтон. Расм 16. метоп

Фронтон ва метоплар бўртма тасвирлар билан безатилган. Ибодатхонанинг томи бурчакларига акротериялар ўрнатилган. Архаика даврида фронтон ва тринглифлар юзаси қўқ, метоплар юзаси қизил ранг билан бўялган.

Илк архаика ибодатхоналари бирмунча паст ва узунчоқ қилиб ишланган. Уларнинг кўриниши вазмин ва салобатли. Пестумда (Италия) эр. ав. VI аср ўрталарида қурилган Гера ибодатхонаси шу хусусда характерли.

Расм 17..Пестумдаги (Италия) Гера ибодатхонаси

Грек ордерлари антик дунё давлатларида, Уйғониш даври ва Янги дунё меъморчилигида кенг ишлатилди ва ривожлантирилди.

Хайкалтарошлик. Тошдан яратилган дастлабки хайкаллар эрамиздан аввалги VII асрларга тўғри келади. Эрамиздан аввалги VII аср охирларида ва айниқса, эрамиздан аввалги VI асрлардан бошлаб, хайкалтарошликда реалистик тамойиллар кучая бошлади. Бу даврида лойдан ясашиб бўялган майда хайкаллар ҳам кўп учрайди. Бу хайкалларда худолар, турли хайвонлар, ҳаётий лавҳалар тасвирланган

Рангтасвир, амалий-декоратив санъат. Қадимги грек рангтасвир санъатининг намуналари бизгача етиб келмаган. Бу санъат тўғрисида шу даврга мансуб кулолчилик буюмлари юзасига ишланган рассомлик асарлари тасаввур беради. Бу расмларда ҳаётий воқеалар, хайвонлар ўсимликлар учрайди.

Эрадан аввалги VII-VI асрларда амалий-декоратив санъат ҳамда хунармандчиликнинг ҳақиқий гуллаган даври бўлди. Айниқаса, кўза ва бошқа кулолчилик буюмлари юзасига сурат ишлаш санъати соҳасида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Кўзага сурат солиш санъати дастлаб қора жуссали(фигуралӣ) шаклларда намоён бўлди. Бундай вазаларга(кўзаларга) қора лок билан турли тасвирлар ишланган. Милодан аввалги VI асрнинг II-III чорагида бу соҳада кулоллар ва рассомлар ном чиқаришган. Шундай машҳур усталардан бири, рассом Клитий бўлган. У жаҳонга машҳур бўлган «Франсуа вазас»ни беаган. Ваза юзасига 200 дан ортиқ одам тасвири туширилган. Шу санъатда ишланган машҳур рассомлардан яна бири эрамиздан аввалги VI асрнинг II чорагида яшаб ижод этган Эксекий ҳисобланади.

Рассом шу санъатда биринчи марта ўз қахрамонларининг рухий кечинмаларини ёритишга ҳаракат қилади. Эксекийнинг «Қайиқдаги Дионис» асари машҳур. Эрамиздан аввалги 540 йилда ишланган бу клик (клик - вино ичиш учун мўлжалланган идиш шундай номланган) ўзининг шакли ва деталларининг бир-бирига мутаносиблиги, ташки ва ички беаги буюмнинг мазмунига мослиги билан ҳарактерланади. Кликнинг ташқи томонида жанг манзараси ва катта қилиб ишланган иккита кўз тасвирланган. Бу кўз шароб ичувчини «ёмон кўздан» сақлаши керак. Кликнинг ички қисмида эса қайиқда сўзиб кетаётган виночилик ва шодлик маъбудаси Дионис тасвирланган. Расм 18 рангли. таҳлил .Эксекий. қайиқдаги Дионис.

Афсонага кўра, денгиз қароқчилари Дионисни таниганлари холда уни ўғирлаб, қул қилиб сотмоқчи бўладилар. Кема очиқ денгизга чиқади. Шу пайт палубадан тоқ новдалари ўсиб, йирик ўзум бошлари ҳамда Дионисни кўзатиб борадиган хайвонлар пайдо бўлади. Қароқчилар бунини кўриб ваҳимага тушадилар. Ўзларини сувга ота бошлайдилар, лекин сувга етмаёқ дельфинларга айлана бошлайдилар. Композицияда дельфинларнинг кема атрофида сўзиб юриши ва Диониснинг кемада ёнбошлаб ётган пайти тасвирланган. Кема, назаримизда, денгиз тўлкинларида аста тебраниб сўзиб бораётганга ўхшайди. Шу таасуротни очишда идишдаги эгри чизиклар шаклига мос тушган қайиқнинг силуети, дельфинлар ҳаракати ва композиция ритми муҳим ўрин эгаллаган.

Эрамиздан аввалги 540-530 йилларда қизил фигуралӣ вазалар ишлаш кенг тарқалди. Бундай кўзаларда тасвирлар сополнинг табиий рангида – (пиширилган лой ранги-- қизқиш, қизқиш-жигар ранг) қолдирилиб, қолган қисми эса қора лак билан бўяб чиқилган. Қизил фигуралӣ вазаларга ишланган суратларда ҳаётий воқеаларни тасвирлашга кенг ўрин берилган. Расм.19 Қизил фигуралӣ ваза

Эрамиздан аввалги V асрга келиб, Греция ўзининг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётининг энг юксак босқичига кўтарилди. Бу даврни одатда классика даври деб юритилади. Классика даврида Юнонистонда санъат ва маданият нихоятда ривож топди. Меъморлик, хайкалтарошликда шу даврдан бизга ча кўпгина ёдгорликлар етиб келган. Улар ҳозир ҳам ўзининг бадиий ечими, топилган шаклларнинг мутаносиблиги, ишлатилган ашёларнинг рангбаранглиги бидан кишини хайратлантиради. Бу даврда меъморликда, асосан, периптер типдаги ибодатхоналар қурилиши етакчи ўринни эгаллади. Улар кўпинча дорий услубида қурилди. Классика даврида Афина акрополи ўзининг тугал кўринишини эгаллади. Афинанинг ички қалъаси - Акрополь қайта

тикланди. Чунки у Эрон-юнон уруши пайтида бузилиб кетган эди. Оқ мармардан ясалган Парфенон, катта дарвозахона - Пропилей, қанотсиз ғалаба маъбудаси Никега атаб қурилган ибодатхона (Ники Аптерос) қад кўтарди. 20-Расм чизма.

Бу бинолар бадий безакларга бой бўлган. Масалан, Пропилей деворлари давлатнинг жанговор ўтмишини тасвирловчи суратлар билан безатилган, Акрополнинг очик майдонида Афина ҳайкали ўрнатилган. 21 расм. **Афина акрополи. Умумий кўриниши.** Афина акрополи Афина давлатининг куч-қудратини ва улуғлигини ўзида ифодалаган, грек тарихида биринчи бор умумэллин бирлигини намоиш этувчи меъморлик мажмуаси эди. Акрополь тепалигининг ён бағирларида қурилган ибодатхона ва томошахоналар эса уни янада мўътабар, муқаддас даргоҳ даражасига кўтарган. Грек классикаси меъморлигининг бекиёс намунаси ақл-заковат ва афиналиклар хомийси бўлган Афина маъбудасига бағишланган Парфенон ибодатхонаси ҳисобланади. Бу ибодатхона афиналикларнинг хазинасини сақлаш учун хизмат қилган. Парфенон акрополдаги энг баланд бинодир. Парфенон ибодатхонаси Бино учун, асосан, дорий услубида ишланган периптер қабул қилинган, лекин унга қисман ион ордерининг элементлар қиритилган. Парфенон қаршисидаги қурилган Эрехтейон ибодатхонасида ион ордери ишлатилган. Ибодатхона кичик пешайвонининг устунлари ўрнида қизлар ҳайкали- кариатидалар ишлатилган. 23 расм. **Эрехтейон ибодатхонаси**

Классика даврида ҳайкалтарошлик юксакликки эришди. Ҳайкалтарошлар ўз асарларида мураккаб ҳаракатларни ҳам ифодалашга, композиция ечимининг ҳаётий бўлишига алоҳида эътибор бера бошладилар. Шундай масала билан шуғулланган йирик ҳайкалтарошлардан бири Мирон ҳисобланади. Унинг машҳур асари «Дискобол» (Диск отувчи) ҳайкалида дискни отиш олдидаги ҳолатини тасвирлаган. 24 расм. **Мирон. Диск отувчи (дискобол). Эр. ав. V аср. урталари. Рим кучирмаси. Рим. Терм мўзеи.**

Унда ҳайкалтарош диск отувчи образи орқали грекларнинг идеал инсон тўғрисидаги тушунчасини ифодалади. ҳар бир нарсаси хотиржам, ақл билан ёндашиш грек классикаси дунёқрашининг характерли томонини белгилайди. Ана шу ғоя Мирон ижодининг бош йўналишидир. Шу хусусда санъаткорнинг «Афина ва Марсий» деб номланган композицияси ҳам характерлидир. 25 расм. **Мирон. Афина ва Марсий**

Афсоналарга кўра, найни яратган Афина маъбудаси уни чалганда юзлари буришиб, бадбашара бўлиб кетганини кўриб, **нимфалар** қаттиқ қаҳқаҳа кўтариб юборибди. Бунинг сезган Афина аччиқланиб найни улоқтириб юборибди. Ёввойи кучлар маъбуди Марсий Афинанинг лаънатлаган найини олмоқчи бўлибди, лекин Афинанинг дарғазаб бўлганлиги ва қарғишларидан чўчиб, яна орқага қайтибди. Ана шу ҳолат ҳайкалтарош томонидан композицияда акс эттирилган. Тасвирланган характерлар, уларнинг хатти-ҳаракати бири-бирига қарама-қарши. Улуғвор, хотиржам Афина ўз хатти-ҳаракатини бошқара олмайдиган, беўхшов Марсийга ўхшамайди. Афинанинг ғазаби бурилиб турган қомати ва бир оз чўччайган лабидан билинади, холос. Агар Мирон ўз асарларида кучли ва кескин ҳаракатни тасвирлаш бу орқали инсон маънавий оламини ифодалашга интилан бўлса, шу даврнинг буюк ҳайкалтароши **Поликлет** эса аксинча, хотиржам, тинч ҳолатда турган инсон қиёфасида унинг кайфиятини очишга ҳаракат қилади. Поликлет назария билан ҳам шуғулланган. Унинг «Канон» деб номланган рисолида идеал шахс нисбатлари, симметрия қонунлари тўғрисида фикр юритилади. Шу канон асосида яратилган «Дорифор» («Найзабардор») асари унинг шу даврдаги изланишларини намоиш этади. 26 расм. **Поликлет. «Дорифор» («Найзабардор»)**

Бу асарда ҳаракат ва осойишталик бир-бири билан уйғунлашиб кетган. қўлида найза ушлаган ҳолда енгил, шошилмай одимлаб келаётган киши тасвирланган. Унинг кучли елка, қорин ва оёқ мушаклари жисмоний бақувватлигини ифодалайди. Бу ҳайкал грекларнинг идеал инсон гўзаллигини тараннум этувчи асар сифатида тахлид қилиш намунаси бўлиб қолди. Бу ҳайкалдан кўчирилган намуналар Қадимги Элладаларнинг жуда кўп шаҳар майдонларига ўрнатилган ва одамларнинг тақлид қилиши учун намуна бўлган.

Гениал юнон ҳайкалтароши **Фидий** ўз асарларида грекларнинг жасурлиги акс эттирувчи ҳайкаллар ишлаган. Унинг ижодида Афина демократик қулдорлик жамоаси кишиларининг юксак эстетик идеали ўзининг тўлиқ бадиий ифодасини топган. Қадимги ёзувчиларнинг фикрига кўра, унинг илк асарлари олтин ва фил суягидан ишланган. V асрнинг 70-йилларида афиналиклар буюртмасига кўра Фидий Марафон жангини улуғловчи кўп фигурали композицияни ишлаган. Эрамиздан аввалги 460 йилларда Аполлоннинг катта бронза ҳайкалини, эрамиздан аввалги 460-450 йилларда эса машҳур жангчи аёл Афина ҳайкалини, Лемнос ороли учун Аполлон ҳайкалини яратган. Перикл топишига биноан, Афина акрополини қайта тиклаш ва безашда раҳбарлик қилди. Фидийнинг Парфенон ибодатхонаси учун ишлаган асарлари мажмуаси жаҳон санъатининг нодир дурдонаси ҳисобланади. Бу асарлар ўзининг бекиёс бадиий яхлитлиги ва мантикий тугаллини билан ҳарактерланади. Ибодатхона фриз, метоп, фронтон бўртма тасвирларида худо ва гигантлар кураши, Троянинг вайрон бўлиш, грекларнинг амазонкалар билан жанги акс эттирилган. Лекин бу композицияларнинг асосий мазмуни ва ғояси давр, унинг руҳи билан боғлиқ бўлиб, грекларнинг жангларда эришган ғалабасини поэтик талқин этишга, инсоннинг табиат кучлари устидан ғалабасини тараннум этишга қаратилган. Фидий бир қанча монументал думалоқ ҳайкаллар муаллифи ҳамдир. Унинг акрополдаги олтин ва фил суягидан ишлаган Афина ҳайкаллари, Олимпиядаги Зевс ҳайкали, айниқса машҳур бўлган.²⁷ расм.Фидий.Парфенон ибодатхонаси бўртма тасвирлари

Классикнинг сўнгги босқичи ҳайкалтарошлигида реалистик томонларининг кучайиши билан ҳарактерланади. Давр зиддиятлари, санъатда содир бўлаётган ўзгаришлар Скопас ижодида ўз аксини топди. У юқори классика анъаналарини давом эттириб, монументал, қаҳрамонлик руҳи билан суғорилган ҳайкалтарошлик композицияларини ишлади, лекин асарларида юқори классикага хос хотиржамлик, улуғворлик, вазминлик эмас, балки серғайрат, куч-қувватга тўла ички хис-хаяжонини яшира олмайдиган, кураш руҳи билан тўлиб-тошган кишиларнинг кўриниши, маънавий ички дунёси очиб кўрсатилади. Скопаснинг машҳур асарларидан бири «Менада» (**Вакханка**, Диониснинг умр йулдош) ҳайкалидир. *Унда рақс дунёсига чўмган, мафтун булган Менада ҳолати тасвирланади.*

28 расм.Скопас. 1.Менада

Менаданинг берилиб рақсга тушаётган ҳолати орқага ташланган бош ҳаракати, спиралсимон бурилган гавда орқали очиб берилган. Образнинг ҳар томонлама идрок этилишини ҳисобга олиниши ҳам Скопас ижодини аввалги давр санъатидан фарқлайди. Ҳайкалтарош одамларнинг жисмоний ва рухий азобланишларини жуда ишонарли тасвирлайди. Шу хусусда, Тегейдаги ибодатхона учун ишланган «Ярадор булган жангчи» ҳайкали ҳарактерлидир. **29-расм. Скопас. Ярадор булган жангчи ҳайкали**

Кескин бурилган бош, юқорига қараган кўз, пастга тушган қош ва азобдан инграётгандек қилиб тасвирланган лаб жангчининг рухий азобини ифодалашга хизмат қилган. Ижодкорнинг бизгача ўз оригиналида етиб келган Гелкарнас мақараси бўртма тасвирлари ҳам машҳурдир. Бу рельефларини Скопас ҳайкалтарошлар Тимофей, Леохар ва Бриаксислар билан ҳамкорликда бажарган.

Скопас замондоши **Пракситель** инсоннинг жисмоний гўзаллигини тасвирлашда машҳур бўлган. Унинг Афродита ҳайкали Книд ороли соҳилига ўрнатилган. Пракситель замондошлари бу ҳайкалга юқори баҳо бериб, уни зиёрат қилиш учун одамлар узоқ-узоқлардан Книд оролига келганликлари ҳақида ёзишган. «Книд Афродитаси» санъаткорларни ҳам мафтун этган. Унга тақлид қилувчилар кўплаб Афродита ҳайкалини яратганлар. Ҳайкалтарош Леохар нур ва санъат маъбуди Апполон ҳайкали билан дунёга танилган. 30-Расм.Леохар.Бельведер Апполони.

Сўнгги классиканинг яна бир вакили Лисипп ўз ижодида жисмоний бақувват ва иродаси кучли шахсларни ёъозлайди ва шуларни купроқ чарчаган ва дам олиш пайтида тасвирлайди. Унинг машҳур асарларидан бири Апоксиомен ҳайкалида ўз баданини

кашлақич билан тозалаётган шахс тасвирланади. Расм 2. Апоксиомен ҳайкали. Спортчининг бўлиб ўтган мусобақадан кейин хаяжонли дамларни эслаш, шу билан бирга, жисмоний чарчаш ҳолати ҳайкалда ишонарли очиб берилган. Бу ҳолат атлетнинг хорқин юзи, терда ёпишган соч ва туришдаги бўшанглик орқали ишонарли талқин этилган. Унинг «Дам олаётган Гермес» асарида худолар хабарчисининг хордиқ пайтидаги ҳолати юзидаги мимик ҳолат, қул ва гавда ҳаракати орқали очилади.

Лисипп портрет жанрида ҳам ижод қилди. Унинг «Александр Македонский» портретида иродали, жасур шахснинг изтироб чекиш пайти акс эттирилади.

Эллинизм даври санъати

Эрамиздан аввалги 336 йили Македония подшоҳи Александр (Александр Македонский) эллин давлатларини босиб олади. Ўз юришларини Шарққа қаратди. Кўп ўтмай, Ўрта Осиё ва Хиндистон ерларини ҳам забт этиб, Афинанинг шимолий шарқий ва Болқон яриморолидан тортиб, Хиндистон ерларигача бўлган катта майдоннинг ҳукмдорига айланди. Лекин Александр давлати сиёсий жиҳатдан мустаҳкам эмас эди. Унинг вафотидан кейин бу давлат тезда парчаланиб, унинг ўрнида бир қатор давлат ва подшоликлар вужудга келди. Бу давлатлар кейинчалик эллинистик давлатлар деб атала бошлади. Александр Македонский истилосидан тортиб, эрамиздан аввалги 30-йилларгача, яъни сўнгги эллинистик давлат - Мисрнинг Рим томонидан босиб олинishiга қадар бўлган даври эса эллинизм даври деб юритилди.

Эллинизм даври ҳукмронлари ўзларининг салтанатларини мухташам бинолар, ажойиб санъат намуналари билан бойитишга ҳаракат қилдилар. Янги-янги шаҳарлар пайдо бўлди. Улар серхашамлилик ва улуғворликда бадавлат Афинани ҳам орқада қолдириб кетди. Пергам ва айниқса, эллинистик дунёқарашнинг маданий маркази бўлган Александрия (Искандария) шундай шаҳарлардан бўлди. Бу даврда парк-боғ санъати билан боғлиқ бўлган декоратив ҳайкалтарошлик санъати кенг тарқалди. Оддий ҳаётни ифодаловчи лойдан ишланган майда ҳайкалчалар, кўп фигурали ҳайкалтарошлик композициялар яратилди. Шу билан бирга, бу даврнинг ўзига хос томонлари - полислар учун идеал бўлган умумлашма инсон образи ўрнини ягона шахсни улуғловчи, унинг ички кечинмаларини ифодаловчи, эгоизм, худбинликни, ҳукмдорликни идеаллаштирувчи асарларни яратиш етакчи ўринни эгаллай бошлади. Кундалик турмуш икир-чикирлари, майда деталларнинг натуралистик аниқлигига интилиш ортди. Давр характери ва руҳи меъморлик ва монументал санъатда ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ҳайкалтарошлик санъати намуналаридан эса, меъморлик ансамблининг ажралмас қисми сифатида кенг фойдаланилди. Агар қадимги Грецияда ибодатхона шаҳар маркази ролини ўйнаган бўлса, эндиликда катта маъмурий бино олдидаги майдон ёки савдо учун мўлжалланган майдонларга аҳамият берилди бошлади. Бу даврда Греция, жумладан, Аттика Александр Македонский давлатининг парчаланишдан кейин ҳам бадиий-маданий марказ сифатида ўз кучини сақлаб қолди ва шу ерда классика аъёналари антик даврнинг охиригача давом этди. Эллинистик Грециянинг монументал ҳайкалтарошлиги ичида даврнинг нодир ёдгорлиги «Самофракияли Нике» ҳайкали алоҳида ўринни эгаллайди.

32 расм. «Самофракияли Нике» ҳайкали

Самофракия ороли учун ишланган бу ҳайкал ғалаба худоси Никега бағишланган. Унда Никенинг қанотларини кенг ёйиб турган пайти тасвирланган. Ҳайкал бирмунча уринган ва шикастланган ҳолда бизнинг давргача етиб келган. Шунга қарамасдан, у ўзининг ҳаётийлиги, тўлақонлиги билан кишини хайратлантиради. Никенинг жисмоний келишган, соғлом, дуркун қомаги шаффоф либос ичидан кўриниб, ўзидан нур таратаётгандек туюлади. Эллинизм даврининг нодир ёдгорлиги Пергам акрополидаги бизгача бирмунча яхши етиб келган «Зевс меҳробига» ишланган бўртма тасвирлар жаҳон санъатнинг шох асарларидан ҳисобланади. Меҳроб бўртма тасвирлари Пергам подшосининг гал қабилалари устидан эришган ғалабасига бағишланган. Фриз кўпроқ горельеф тарзида бажарилган, лекин айрим образлар думалоқ ҳайкалтарошликка ҳам ўтиб кетади. Узунлиги 120 метр, баландлиги эса 2,3 метр бўлган бу фризда Олимп маъбудаларининг уларга

қарши исён кўтарган гигантлар билан олиб борган аёвсиз кураши ва қасос олишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Антик маданият ва санъат тарихи 476 йили Рим империясининг қулаши билан тугалланди, лекин бу маданият кейинги тараққиётда ўз давомини топди. Европа халқлари шу грек ва римликлар яратган маънавий ва маданий бойликларга мурожаат қилиб келдилар. Бугунги Европа тасвирий санъат ва меъморлиги, театри ва адабиёти, фалсафаси ва эстетикаси антик дунёга суянадн. Ўрта Осиё халқлари, жумладан, Ўзбекистон халқлари ҳам эллинлар маданияти ва санъатидан баҳраманд бўлганлар. Буни Ўзбекистон тупроқидан топилган ва топилаётган грек маданияти ва санъатига оид ёки улар таъсирида яратилган маданият ёдгорликларида кўриш мумкин.

Қадимги Рим санъати

Қадимги дунё маданиятининг сўнги ўчоғи бўлган Рим давлати милодан аввалги II асрда Юнонистон ерларини босиб олди ва унинг маданиятини меросхўрига айланди. Лекин римликлар ўзга халқлар санъатини ўзлаштириб, ўрганиб, уни ижодий бойитдилар, шу санъат анъаналарини ривожлантириб, унинг янги тур ва жанрларини ҳам вужудга келтирдилар. Рим санъатида меъморлик етакчи ўринни эгаллади. Унда давлатнинг куч-қудрати тараннум этилди. Римликлар кўпчиликка мўлжалланган муҳташам бинолар курдилар. Бундай характердаги бинолар бу давр учун янгилик бўлди. Меъморликда римликларнинг ақл-заковати яққол намоён бўлди. Бу меъморлик этруск ва юнон меъморлик санъати традицияларига, қисман қадимги Шарқ меъморлиги санъати анъаналарига таянган ҳолда ривожланган. Уни янги услублар билан бойитдилар. Айниқса, римликлар томонидан бетонни ихтиро этилиши ва устун-тусин системасига янги конструкциялар киритилиши, арка, қубба ва эгри равоқнинг эркин ва кенг қўлланилиши фақат Рим меъморлигидагина эмас, балки жаҳон меъморлик санъатида ҳам ҳақиқий инкилоб бўлди. Бу система катта фазовий кенгликни ёпа оладиган, хона ичида эса катта фазовий кенгликни яратиш имкониятини берадиган меъморлик композицияларини вужудга келтирди. Рим санъатидаги ўзига хослик тасвирий санъатда, айниқса, унинг портрет жанрида яққол намоён бўлди. Бу ерда жуда эрта дастгоҳ санъати ривож топди. Ҳикоянавис бўртма тасвир санъати ҳам римликлар санъатининг ўзига хос томонини белгилайди. Қадимги Рим тарихи эрамиздан аввалги VI асрдан бошланиб, янги эранинг V асригача бўлган даврини ўз ичига олади. Эрамиздан аввалги VI асрга келиб, Рим аристократик қулдорлик республикасига айланди. У Апенин яриморалини забт этиб, Ўрта ер хавзасида ўз ҳукмдорлигини ўрнатгач, эрамиздан аввалги II аср ўрталарига келиб, шу ердаги йирик давлатга айланди. Босиб олинган ерлардан бойликларнинг Римга олиб келиниши унинг равнақида муҳим роль ўйнади, шу билан бирга, инқирозини ҳам тезлаштирди. Мулкий тенгсизлик ошди, эксплуатациянинг кучайиши эса омма орасида норозиликни келтириб чиқарди. Айниқса, қуллар кўзқолони (булар ичида Спартак кўзқолони машҳур) республика даврининг инқирозга юз тута бошлаганини билдирди. Унинг ўрнини Рим императорлик даври эгаллади. Бу давр эрамиздан аввалги I аср охиридан янги эранинг 476 йилигача давом этди.

Меъморчилик. Рим меъморлигининг ўзига хос томонлари, унинг асосий типлари Рим республикаси давридаёқ намоён бўлди. Доимий уруш ва қирқинлик, граждан урушлари мантиқан аниқ топилган монументал меъморлик композицияларида ўз ифодасини топди. Эрамиздан аввалги VIII асрда ишланган мудофаа деворлари, мамлакатнинг турли қисмларини туташтирувчи тош тўшалган кенг йўлларнинг содда ва жиддий кўринишларида давр руҳи ва қуриш санъати характери кўринади. Машҳур Аппий йўли эрамиздан аввалги 312 йили қурилган. Бу йўлдан Рим легионлари жангга боришган. Шу даврда мустаҳкам кўприк ва осма сув қувурлари (акведуклар) қурилган. Улар шаҳарга ўзига хос силует бахш этган. Римликлар қадимги Грецияга ва бошқа эллинистик давлатлар устидан ҳукмрон бўла борган сари серхашам бинолар кўпая борди. Эрамиздан аввалги III - I асрларда қурилган ибодатхона, вилла, сарой, қаср ва бошқа бинолар ўзининг безакка бойлиги, жимжимадорлиги ва нафислиги билан характерлидир.

Римликлар грек меъморлигининг ордер тизимига қизиқиб қарадилар, уни ўз фаолиятларида кенг қўллай бошлайдилар. Лекин рим меъмори учун устун ва тўсин тизими кўпроқ декоратив функцияни бажарадиган элементга айланди. Улар бинога серхашамлик ва жимжимадорлик киритиш учун фойдаланилди. Коринф ордери эса сеvimли ордерга айланиб қолди. Бундан ташқари, римликлар этрускардан тоскан ордерини олдилар. Бу ордер ўз кўриниши жиҳатидан дорий ордерига ўхшаса ҳам, лекин унинг тагкурсиси борлиги ва метоп бўлган фриз ва каннелюрларининг йўқлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, коринф ва ион ордери чатишмаси бўлган янги ордерлар Рим меъморлигида кенг ишлатилди.

Рим империясининг биринчи императори Октавиан Август хукмронлик қилган йиллар (эр. ав. 27 йил - янги эранинг 14-йиллари) санъат ва маданиятнинг ҳақиқий ривожланган босқичи бўлди. Рим давлатининг «олтин асри» ҳисобланган бу даврда назариётчи меъмор **Витрувий**, тарихчи **Тит Ливий**, шоирлардан **Вергилий** ва **Горацио**лар яшаб ижод этдилар. Меъморлик ривожланди, шаҳар қурилиши авж олди. Ижтимоий ва маъмурий бинолар кўплаб қурилди. Айниқса, Римда қурилиш жиддий бўлди. Тарихчилар бу даврнинг қурилишини таърифлаб, «Август Римни ғишдан қурилган холда олиб, уни мрамарда қолдирди», деб ёзган эдилар. Ҳақиқатдан ҳам бу давр хашаматли бинолари, нафис колонналари, аркали ва гумбазли бинолари, фаввора ва ховузлар яшил табиат қўйнида алоҳида товланиб, уни янада кўркам ва файзли кўрсатар эди. Бизгача вайроналарда етиб келган биноларнинг қолдиқлари ханузгача ўзининг салобати ва улуғворлиги билан хайратлантиради. Рим меъморлигида I асрнинг охири ва II аср бошларида энг катта меъморлик комплекслари яратилди, кўп қаватли бинолар вужудга келди ва шаҳар қиёфасини белгилади. Шу даврида қурилган ғоятда катта саройлар, зафар устун ва дарвоза(арка)лари ижтимоий тузумнинг идеологиясини бадиий ифодаловчи ёдгорлик сифатида характерлидир. Шундай меъморлик композицияларидан бири 81-йилда қурилган Тит меъмориал зафар аркасидир. **Расм 34.Тит меъмориал зафар аркаси.**Қадимги Римнинг энг катта биноларидан бири Колизей амфитеатридир.Уни римликлар-колоссей, яъни катта,улуғ деб аташган. **35 расм. Колизей амфитеатри.**

Гладиаторлар жанги учун мўлжалланган бу қурилмага бир вақтнинг ўзида 55 минг томошабин кира олган. Рим меъморлигининг яна муҳим ёдгорлиги «ҳамма худоларнинг қасри» - Пантеон ҳисобланади.

36а,-расм.Дамашқли Аполлодор. Б. Пантеон. Ташқи кўриниши в..Пантеон. Чизма. Дамашқли меъмор Аполлодор томонидан 118-125 йилларда қурилган бу бино антик дунёнинг энг катта гумбазли биноси бўлиб, унда Рим меъморлигининг новаторлик хусусияти кўзга ташланади. Бинонинг ташқи кўриниши содда, унинг олд томонини қизил гранитдан ишланган коринф устунли пештоқ безаб туради. Бу устунлар яхлит монолит қизил тошдан йўниб ишланган. Аксинча, интерьер безатилишига алоҳида эътибор берилган, полига мрамар ётқизилган. **36 расм в.Дамашқли Аполлодор. Пантеон. Ички кўрниши**

Девори эса икки ярусли бўлиб, биринчи ярусдаги чуқур тоқчаларга худолар ҳайкали қўйилган, иккинчи ярус эса рангли мрамардан ишланган пилястрлар билан бўлиб чиқилган. Бинонинг тепа қисми бадиий ечими ҳам диққатга сазовор. Гумбаз ости юзасидан тўртбурчак шаклидаги чуқурчалар - **кессонлар** юқорига қараб кичрайиб боради. Бу, ўз навбатида, фазовий кенглик таассуротини оширишга хизмат қилади. Томошабин назарида гумбаз ости кенглиги катта ва чексиз бўлиб туюлади. Кессонлар ичига ўрнатилган бронзадан ишланиб олтин суви юритилган розеткалар эса бу серхашамликни янада ошириб хонага афсонавий файз киритади.Гумбазнинг юқори қисмида қолдирилган диаметри 9 м бўлган «пантеон кўзи» деб ном олган дарча хонани ёритиш билан бирга, кенглик таассуротини янада ошириб, хона ичига тантанаворлилик ва хашаматлиликни янада бўрттиради.

Рим меъморлигида пайдо бўлган янги типлардан бири **термлар** (сув саройлари)дир. Илик ва совуқ сувли ховузлар, гимнастика заллари, оромгохлар, кутубхона бўлган. 2-3 минг кишига мўлжалланган бундай сув саройлари безагига алоҳида эътибор берилган. Мозаика

ва деворий сураатлар, ҳайкал ва амалий санъат буюмлари сарой гўзаллигига гўзаллик қўшган. Рим меъморлигининг сўнгги муҳим ёдгорлиги Рим **форумидаги Максенция базиликаси**дир.

37-расм.Максенция базиликаси. Базиликаси тархи

306- 312 йилларда **каркас** конструкциясида қурилган бу бино антик даврнинг энг катта граждан меъморлигидир. Турли сиёсий йиғилишлар ўтказиш, савдо-сотик ишларини олиб бориш учун мўлжалланган бу бино интерьерлари уч нефли. Шаҳарнинг марказий майдонлари — форумлари, айниқса, гўзал бўлган. Италиянинг асосий йўллари форумдан бошланган, шаҳарнинг асосий кўчалари шу форумга бориб тақалган. Унинг марказида ҳайкаллар, декоратив устунлар ўрнатилган. Император Троян форуми жуда ҳашаматли бўлган. Меъмор Аполлодор томонидан қурилган бу форум майдони ўртасидаги 27 метрли Троян устунига ўрнатилган бўлиб унда Троянни дақларга қарши олиб борган курашини акс эттирувчи бўртма тасвир юқорига ўралиб чиқувчи бурама **фризда** ишланган. 38-расм. **Римдаги Император Троян устун. Трояннинг дақларга қарши олиб борган курашини акс эттирувчи бўртма тасвир парчаси. Янги эрanning 2 асри**

Устун тепасига императорнинг бронза ҳайкали ўрнатилган. Бу ҳайкал XVI асрда олиниб, ўрнига апостол Пётр ҳайкали ўрнатилган. Устун **пьедесталига** Троян вафотидан кейин унинг хоки солинган урна жойлаштирилган.

Тасвирий санъат. Рим тасвирий санъатидан бизгача кўпгина ҳайкалтарошлик намуналари (рельеф, портрет, тематик композициялар) сақланиб қолган. Римликларнинг портрет санъатидаги ютуқлари, айниқса каттадир. Республика даврида реалистик портрет ривожланди ва антик дунё санъатида етакчи ўринни эгаллади. Бунга, биринчидан, Рим чиновнигининг ўз портрет ва ҳайкаллари ижтимоий жойларга қўйиш имтиёзи бўлса, иккинчидан, «кўмиш маросими билан боқлиқлиги эди. Бой аристократларнинг меҳмонхоналарида (қабулхоналарида) шу уй хўжайини аждодларининг портрети, ҳайкаллари сақлаганлар ва шундан қурулганлар. Бундай ҳайкал-портретлар тошдан ишланган бўлиб, кўмиш маросими вақтида марҳумнинг тобути ортидан кўтариб олиб борилган. Бу портретлар марҳумнинг ўзига жуда ўхшатиш бўлиб, документал аниқлиги билан ҳарактерланган ва бундай портретлар, асосан, марҳум юзидан олинган ниқоб-қолип асосида ишланган. **Расм39. Кекса римлик портрети. мрамор. Эр ав. 100-50 й. 40-Расм. Эркак портрети. Мрамор. Эр.ав. I аср ўрталари.**

Бу портретлар кейинги Рим реалистик портретининг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Эрамиздан аввалги III-I асрларда Рим маънавий ҳаётидаги узгаришларидан бири, бу тасвирланувчи шахснинг индивидуал хислатлари ва маънавий дунёсига қизиқишнинг ошиши бўлди. Натижада Рим республикаси даврида мавжуд бўлган портретчилик санъатидаги йўналиш - тасвирланувчининг фақат ташқи қиёфасини документал аниқликда акс эттирувчи портретлар билан бир қаторда, иккинчи йўналиш - ташқи кўринишни аниқ тасвирлаш, грек пластикасига хос бўлган хусусият - умумлашма образни яратиш, уни бирмунча идеаллаштириш ва маънавий дунёсини очиб беришга интилиш тенденцияси сезиларли бўлди. Рим императорлиги даврида хукмронлар ва уларнинг куч-қудратини ифодалаш санъаткорларнинг бош вазифаси бўлиб қолди. Улар ўз асарларида императорларни ўзига ўхшатиш билан бир қаторда, уни онгли равишда идеаллаштиришга интила бошладилар. Эрадан аввалги V-IV аср грек санъати намуналари тақлид учун асосий манба бўлиб қолди. Грек классикасидаги улуғворлик ва тантанаворлик пафоси, ҳарактердаги вазминлик, сиполик, танланган нисбатлар ва аниқ, содда шакллар Рим санъаткорларини ўзига жалб эта борди. Октавиан Август ҳайкалида шу интилишлар ўз ифодасини топди. Расм. 1

Расм 41. Октавиан Август ҳайкали Ҳайкалда у саркарда ва давлат арбоби сифатида тасвирланади. Макрур, улуғвор туриши, қўл ҳаракатининг ифодали олиниши бутун композицияга монументаллик бахш этган. қўлидаги найза-чўқмори рамзий ҳарактерга эга бўлиб, унинг ҳукмдорлигини белгилайди. Август панцир-темир ниқобга ўралган. Ниқоб юзаси бўртма тасвир билан безатилган. Августнинг ўнг оёкида Венеранинг ўғли Амур

тасвирланган, бу билан санъаткор гўё Августлар оиласи, аждодлари шу мукаддас худолар авлодидан эканлигини кўрсатмоқчи бўлади. Хайкалда юз кўриниши Августнинг ўзига ўхшатиш, лекин хайкалтарош образни идеаллаштириб, унинг кўринишига мардлик, жасурлик ва соф виждонлилик бахш этади. Шундай қилиб, у Римнинг идеал граждани образини яратади. Лекин тарихчиларнинг ёзишича, Август ўта айёр ва қаттиққўл сиёсатчи бўлган. Хайкалтарош шу образни идеаллаштиришда қандай услубдан фойдаланган? Дастлаб Август қомати учун танланган нисбат ва жисмоний бақувватлилик (Август жисмонан бирмунча заиф ва касалманд бўлган) уни идеал граждан даражасига кўтаришга хизмат қилган. Ривожланган, жисмоний кучли яланкоч қўл ва оёқларининг мускуллари кўринишида унинг жисмоний соқлом ва греклар яратган идеал атлетик образи пайдо бўлган. Унинг чап қўлига ташланган плаш образ монументаллигини ошириш билан бирга, унинг декоратив томонини бойитган, композициядаги ёруқ- соя мослигини кучайтирган. Натижада, хайкал янада кўркам ва улугвор бўлган. Образ ҳарактерини улуквор ва жасур қилиб кўрсатишда хатти-ҳаракатдан, айниқса, қўл ҳаракатидан ўринли фойдаланилган. Олдинга кўтарилган ўнг қўли уни ўз легионларига буйруқ бераётгандек қилиб кўрсатишга хизмат қилган. хайкалтарошликда танқидий реализм етакчи уринни эгаллай бошлади. Хайкалтарош ташқи эффект ва дабдабаликка, эътибор берган холда, яратилган образнинг башарасини тўлиқ ва ҳақиқий-очиқ ташлашга ҳаракат қилади. Тасвирланувчидаги манманлик, калтафахмлик, қаттиққўллик рўйи-рост кўрсатилади. Бу хусусда Нерон портрети ҳарактерлидир. Санъаткор деталарни ўз ўрнига қўйиб, образ ҳарактерини очади. Тор пешона, оғир ва бирмунча сирли қараши орқали қаттиққўл, мустабид, мактанчоқ, ўзи тўғрисида юксак фикрда бўлган, ўзини тута олмайдиган шахс киёфаси гавдаланади.

Антонинлар даврида портрет санъатида жиддийлик ўрнини нафислик, чарчаган ҳолатни очишга интилиш, мушоҳадали шахслар тасвирини ишлашга интилиш ҳоллари сезилади. Бу давр портретларидаги одамлар бирмунча инсонпарвар, лекин чўчиганроқ, ғамгин холда гоҳо кулиб, гоҳо ҳаёлга чўмган ҳолатда тасвирланади. Чунончи, «Суриялик қиз» хайкалидаги енгил лирик кайфият, қараши ва туришидаги ғамгинлик хайкалтарош томонидан усталик билан тасвирланган. Императорлик даврининг сунггида яратилган портретларда келажакка умидсизлик билан боқиш, инсонни табиат олдида ожиз қилиб курсатишга интилиш сезилади. Ердаги ҳаёт, унинг гузаллигига нафрат билан қараш, нариги дунё фароқати тўғрисида ўйлаш, тақдирга тан бериш кайфиятларини курсатиш бу давр санъатида етакчи уринни эгаллай бошлади. Шундай қилиб, аста-секин антика анъаналари билан алоқа узилди. Рим императорлигининг сўнгги даври санъатида ўрта асрчиликка ҳос бўлган хусусиятлар эндиликда кўпроқ кўзга кўрина бошлади. **Рассомлик ва амалий санъат.** Римнинг гуллаган шаҳарлари Помпей ва Геркуланумдаги бой, зодагонларнинг уйлари деворларига ишланган суратлар Рим рассомлиги ҳақида маълумот беради. Деворий суратларда қадимги грек усталари ишлаган нусхалардан кўчирмалар, турли нақш, гул ва гирляндалар тасвири ҳам кенг учрайди. Бу уйларнинг поллари мозаика билан безатилган. Уларда сайёр актёрлар, денгиз ости манзаралари, урушаётган ҳўроз ва шунга ўхшаш воқеалар тасвирланган. Шундай мозаикалардан бири Фавна уйидаги Александр Македонскийнинг Эрон шоҳи Доро билан қилаётган жанги тасвиридир.

Расм 41. Помпей. Фавна уйидаги Александр Македонскийнинг Эрон шоҳи Доро билан қилаётган жанги тасвири.

Рим дастгоҳ рангтасвири тўғрисида I-III асрларда ишланган Фаюм портретлари тасаввур бера олади.

Бу портретларнинг номи Рим империясининг шарқий провинцияси бўлган Мисрдаги Эль-Фаюм воҳсидаги некрополдан топилгани учун шундай деб аталади. Фаюм портретлари эллин-рим санъати таъсирида ривожланди. Лекин бу ерда у кўпроқ қадимги Миср портрет санъати анъаналарини давом эттирди. Портрет тасвирланувчи ҳаёт вақтида тахта ёки холстга ишланган бўлиб, у ўлгандан кейин мархумнинг жасади билан қабрга қўйилган. Бу портретлар композицияси табиий бўлиб, унда, асосан, бош ва елканинг бир қисми ва кўп ҳолларда бош бир оз ён томонга қараган холда тасвирланган. Фаюм портретлари ўзининг

реалистик характери билан ажралиб туради. Тасвирланувчининг ёши, характери, ўзига хос индивидуал хислатлари санъаткор томонидан маҳорат билан талқин этилган. Фаюм портретларида тасвирланган одамлар бир-бирларига ўхшамайди. Портретлар галереясида гоҳ хушчақчақ, гоҳ ғамгин, гоҳ иродали, гоҳ кучсиз, гоҳ худбин шахслар қиёфаси намоён бўлади. Кекса римлик (I асрнинг II ярми) ва «Ёш аёл», «Олтин чамбарли йигит» портретлари шу жиҳатдан диққатга сазовордир

Расм 26.27.Фаюм портретлари: 1. Кекса римлик. 2. Ёш аёл. 3. Эркак портрети. Христиан дини антик дунёқараш ва эстетикасига қарама-қарши ўлароқ, ердаги лаззатлардан, жисмоний гўзалликдан завқланишни гуноҳ деб таркиб этди ва шу бирга, аста-секин ўрта аср санъатининг йўналишига йўл оча борди.

IV-VII асрларда Римнинг **варварлар** томонидан таланиши санъатнинг раднақини тўхтатиб қўйди. Рим антик дунё санъатига яқун ясади. Римнинг қулаши билан антик дунё санъати тарихи ҳам тугалланди. Лекин бу ерда бошланган анъаналар Ўрта аср санъатида давом этди. Уйқониш даври кишилари бу санъатдан завқланди, илҳомланди. Бу санъат анъаналари XVII-XIX асрларда ҳам кўпчиликини ўзига тортди. Рим санъати ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Юксак профессионал маҳорат, нозик дид ва аниқ ғоявий йўналишда яратилган қадимги Рим усталарининг нодир асарлари бу кунда ҳам санъаткорлар учун тақлид мактаби бўлиб қолмоқда.

Қадимги дунё (Антик) санъати тарихидан талабалар билиши керак бўлган иборалар

Абак (грек.— хонтахта, ҳисоб тахтаси) — капителнинг юқори қисми, архитрав бевосита суяладиган, кўпинча тўғри бурчак шаклидаги плита. (қаранг: Капитель). Расм-чизма

Абсида—ибодатхона ёки соборнинг шарқий қисмидаги ярим айлана шаклидаги меъморлик ҳажм.

Агора — савдо майдони. Қадимги Грецияда қуйи шаҳар маркази бўлиб, сиёсий йиғилишлар учун ҳам фойдаланилган.

А, Капелла (итал.) — кичик бутхона.

Акведук (латин. «агуа» — сув, «дуco» — бошлаб бораман) — водопровод трубаларининг чуқур жарликлар, даралар ёки дарё водийларидан олиб ўтиш учун керак бўладиган тошдан ёки бетондан ишланган, арка, кўприкка ўхшаган иншоот, **осма сув қувури**.

Акрополь (грек. «акropolis»—**юқори шаҳар**)—аҳолининг уруш вақтида жон сақлаш учун хизмат қиладиган (беркинадиган), тепаликка қурилган ва мустаҳкамланган қадимги грек шаҳарининг қисми, унинг қалъаси.

Амфитеатр (грек. «amphi» — икки томондан, атрофдан, «teatron» **томоша жойи**) — қадимги Греция театрларида тепа қиялигига ярим доира шаклида жойлашган томошабинлар жойи.

Амфора (грек. «amphi»—икки томондан, «phero»—олиб бораман)— кенг қоринли, икки вертикал қўл ушлагичли ва ингичка оғизлик ваза. Бундай идишларда вино, зайтун мойи ва сув сақланар эди. (қаранг: сопол буюм).

Антика (латин. «қадимги») — Ўрта ер денгизи ҳамда Қора денгиз соҳилларида эраиздан олдинги 3000 йиллардан то янги эранинг V асри ўрталаригача мавжуд бўлган кулдорлик давлатлари маданияти ва санъатини таърифлаш учун ишлатиладиган тушунча.

Анфилада (франц. «enfilade» — тўғри чизик бўйлаб жойлашган қатор предметлар) — ўк бўйича жойлашган эшиклар билан туташган қатор хоналар.

Ападана (эрон.) —шоҳ қабулхонаси.

Арена (латин. «агена» — қум) — қадимги Рим амфитеатрларидаги қум сепилган майдонча. Бу ерда гладиаторлар жанги ва жинойтчиларни ёввойи ҳайвонлар билан таъқиб қилинар эди.

Арка (тоқи, равoк) (латин. «аgкус»—ёй, эгма)—бино деворларидаги эшик ва дераза ўринларининг юқори қисмига ёки кўприк таянчларига қўйилган ёйсимон қурилма.

Аркада — устунларга тиралган бир ҳажм ва шаклдаги арка қатори.

Аркбутан — яримарк.

Базилика (грек. «baslike» — подшо уйи) — тўртбурчак шаклидаги бино бўлиб, унинг ички қисми колонна — устунлар билан бир неча қаторга бўлинган (одатда, 3 ёки 5 бўлакка — нефларга ажратилган). Ўрта нефнинг бўйи баланд бўлиб, шу неф дарчалари ички хонани ёритади. Қадимги Римда базилика суд мажлислари, савдо-сотик мунозараларини олиб бориш учун мўлжалланган илк христиан ибодатхоналари типидир. Базилика Византия, роман, готика меъморчилигида кенг ишлатилган. Уйғониш даври ва ундан кейинги асрларда ҳам меъморликда базилика типи қўлланилган

Барельеф (француз.) паст рельеф. Қаранг: Рельеф. Барельеф юзага нисбатан бир оз қаварган (бўртган) бўлиб, уларда баъзан ёруғ-соя ўйинлари кескин сезилмаслиги ҳам мумкин. Танга, турли ҳилдаги значок, медаль, нишон юзаларидаги бўртма тасвирлар. Барельефлар, амалий санъат буюмларини, меъморчилик биноларини безашда жуда қўл келади.

Баптистерия — бутхона.

Булевтерия (итал.) — мажлис бинолари.

Витраж (франц. дераза шишаси) — рангли шиша ойна билан декоратив характердаги нақш ёки тасвир ишлаш. Ром деразаларига шундай тасвирлар ишланиб, улар ўзидан нур ўтказиш ҳисобига турли кўриниш ҳосил қилади.

Волюта (лотин. *voluta*—гажак, жимжимадор). Гажак (жимжимадор) ёки спирал кўринишдаги нақш (орнамент), безак. Ион колонна капителининг характерли қисми (қ. капитель).

Галерея (итал. *galleria* — бинонинг алоҳида бўлимларини бирлаштирувчи узун ва ингичка усти берк хона, йўлак. Театрнинг юқори қавати ҳам галерея дейилади.

Гандхар санъати — Хиндистоннинг шимолий ғарбий томони, Панжоб ва Афғонистон ерларида эрамининг бошларида тарқалган ва ривожланган санъат. **Г. с.** маҳаллий анъаналар асосида шаклланган бўлса ҳам, қисман грек-рим санъат анъаналарига яқинлиги сезилади. Шу ерда Будданинг биринчи ҳайкали ишланган. Унинг иконографик характери Марказий ва Шарқий Осиё мамлакатларида ҳам ўз кучини сақлаб қолди. **Г. с.** нинг энг яхши намуналарида реалистик хислатлар пайдо бўла бошлаган.

Гармония (грек. *harmonia*—боғлиқ бўлиш, муносиблик, мувофиқлик)— бадий асар қисмларининг мутаносиблиги.

Меъморликда гармония, бинонинг атроф манзарасига масштаб буйича мослигини, композицион режанинг барқарорлиги ва бирлигини, айрим бўлимларнинг бир-бирига мувофиқлигини билдиради.

Гемма (латин. *gemma* — қимматбаҳо тош, марварид) — тасвир туширилган, кесилган тош.

Геммалар учун юмшоқ тошлар билан бир қаторда, қаттиқ тошлар ҳам ишлатилган. Ўйиб тасвир туширилган геммалар (интальо) кўпинча муҳр ўрнида ишлатилган. Катламлик тошлардан (оникс, акик) камейалар— бўртма нақшли геммалар ишланган.

Глиптика — юзаси нафис бўртма тасвир (рельеф) билан қопланган цилиндрик муҳр, туморлар. Тоштарошлик санъати *глиптика* дейилади.

Грифон (франц. *griffon*) — бургут бошли ва шер танали, қанотли афсонавий маҳлук, хайвон.

Диптер — атрофи икки қатор устунлар билан ўралган ибодатхона.

Капитель (латин. — калла, бош) — устуннинг юқори қисми беағи

Кариатида (грек.) — девор ёки бинонинг бирор қисмини кўтариб турадиган қизлар ҳайкалига ўхшаш устун.

Менгирлар — ибтидий тузумга мансуб археологик ёдгорликлар, яқка ва ҳалқа ёки «аллеялар» бўлиб жойлашган йирик тошлар.

Наос (грек.) қадимги юнон ибодатхоналарининг марказий қисми— муқаддас хона. Бу ерда худолар ҳайк

али қуйилган. *Целла* деб ҳам юритилади

Пагода (хитой.) — минора.

Палаццо—шаҳардаги сарой. Кейинчалик «жамоат биноси» деб юритилган.

Периптер — ҳамма томондан устунлар билан ўралган айлана ёки тўртбурчак шаклидаги антик ибодатхона.

Пилястр — деворнинг ишлов берилган капитель ва базали устунга ўхшаш, текис тўртбурчак шаклидаги бўртган жойи.

Пропилеи (грек.) — дарвозахона, асосий кириш дарвозаси.

Ритон — ҳайвонлар шоҳи ёки фил суягидан ясалган узун конуссимон, уч томони қайрилиб боровчи идиш.

Стела — тик ўрнатилган плита ёки устун шаклидаги қабртош. Уларга бўртма тасвирлар ҳам ишланган.

Стеллобат — тош асос, тош супа.

Сфинкс — одам бошли, шер танали афсонавий ҳайвон.

Тимпан — пештоқ. Ойна, эшик тепасида қолдирилган ярим арка ичидаги юза.

Терм (қаранг: Рим) — кўпчиликка мўлжалланган иссиқ ва совуқ сувли ховуз, дам олиш, маънавий хордиқ чиқариш жойи.

Фриз — меъморлик қурилмаларининг декоратив беаги бўлиб, бинонинг бир қисми ёки тўрт томони лентасимон тарзда айлантирилиб чиқилган декоратив безак. У рельеф, нақш ва тематик суратлар бўлиши мумкин.

Целла - (юнон.) ибодатхонанинг асосий хонаси.

Эллинизм (грек-эллин)-эрамиздан аввалги IV-I асрлар. Ўрта Ер денгизи ҳавзасида грек-македон давлати ҳукмронлиги даври.

**Н.Абдуллаевнинг “Қадимги дунё санъати” (Ҳорижий Ғарб санъати
тарихи Антик дунё) фанидан ёзган маърузалар матнига
тақриз**

Қадимги дунё санъати тарихи ер юзида кулдорлик давлатларининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва инқирозга юз тутиши давридаги санъатни ўрганади ва таҳлил қилади. Қадимги давлатлар дастлаб Ефрат, Тигр, Нил, Инд, Ганг, Хуанхэ, Янцзи, Қизил ирмоқ дарёлари ёқаларида, кейинроқ, Европанинг жанубий томонларида, Болқон ва Апеннин ярим оролларида пайдо бўлган. Бу даврга келиб ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралди. Дехқончилик, чорвачилик, савдо - сотиқ, хунармандчилик, санъат ривожланди. Бу эса, ўз навбатида, инсон маънавий дунёсининг ривожланишига, жумладан, санъатнинг равнақиға катта туртки берди. Эндиликда санъат ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин эгаллайбошлади. Бу даврда кўмиш маросимлари билан боқлиқ бўлган урф одатлар муҳим тантаналарға айланди. Йирик мақбара, саройлар қуриш, уларни безашға катта аҳамият берилди бошланди. Деворий суратлар, монументал рельеф ва ҳайкалларда ҳукмдорлар, афсонавий қаҳрамонлар фаолияти улуғланди. Одамларнинг диний тушунчалари ҳам ўзгарди. Одамлар табиат кучларига сиқинишдан аста-секин илоҳий кучларға - ҳудоларға сажда қила бошладилар. Бу ҳудолар тимсолида ақлий баркамол, муътабар, ҳар нарсаға қодир бўлган, ўз характери ва кўриниши жиҳатдан одамларға ўхшайдиган образларни тасаввур эта бошладилар. Уларға атаб ҳашаматли ибодатхоналар, монументал ҳайкаллар яратдилар, маҳобатли расмлар ишладилар. Шу билан бирға, инсон образи санъатнинг бош қаҳрамониға айлана бошлади. Унинг жасорати ва олижаноблиги, ирода ва ақл-заковатининг қудрати санъаткорлар томонидан қуйланди. Бу даврда келиб ер юзида катта-катта маданият марказлари вужудға келди. Уларнинг санъатлари бир-биридан кўриниши, характери, воқеликни образли ифода этиши билан ажралиб туради. Ана шундай давлатлар ичида Қадимги Миср, Юнонистон ва Рим алоҳида ўринни эгаллайди ва кейинги жаҳон санъати ривожининг асосини ташкил этади. Бу ерларда қурилган маҳобатли меъморий мажмуаларда биринчи бор инсон ақл заковати, бой тасаввури ўзини намоён қилди. Ҳайкалтарошлик асарларида инсоннинг жисмоний гўзаллиги, маънавий олами бадиий шаклларда ўз аксини топди. Амалий безак санъати инсон яшайдиган муҳитнинг ажралмас қисмиға айланди.

Мазкур маърузалар матнида айнан шу жиҳатларға эътибор қаратилган. Соҳаға оид барча маълумотлар, манбалар жамланиб ягона шаклға келтирилган. Шу боис ишни ўқу жараёниға тавсия этса бўлади.

И.Абдурахмонов

санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

